

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 декабрь, чоршанба, 1994 йил Сотувда эркин нархда. № 244 (992)

25 декабрь — сайловлар кун

### КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Нукус шаҳар сайлов участкалари ва округларида сайловолди тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама қилинди.

Йиғилишда баъзи округ комиссияларининг таркибига ўзгаришлар киритилди.

Эрдўғон АЙТУН:

### ЎЗБЕКИСТОН — ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИҚ МАМЛАКАТ

25 декабрда белгиланган Олий Мажлисга сайлов мамлакатимиз тарихида муҳим босқич бўлиши шубҳасиз. Шу боис хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари ҳам бу тадбирга тайёргарликнинг боришини алоҳида эътибор билан кузатишмоқда. ЎЗА мухбири Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Эрдўғон АЙТУН билан шу мавзуда суҳбат қилди.

— Сайловнинг муваффақияти энг муносиб номзодларга овоз берилишига эришишда деб биламан. Бунинг учун ҳозир барча имкониятлар муҳайё этилган. БМТ, ЕХХК ва бошқа халқаро ташкилотлардан, хорижий мамлакатлардан вакиллар кузатувчи сифатида тақлиф этилгани Ўзбекистоннинг демократик қадриятларга содиқлиги яна бир қарра намойиш этмоқда. Халқ ишончига эришган номзодларнинг кенг қамровли билмига эга бўлиши, келгусида ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш йўлида ғайрат билан меҳнат қила билиши гоат муҳим.

— Мухтарам элчи жаноблари, демократик мамлакат вакили, жаҳон кезган сийосатчи сифатида кўппартиялик асосида ўтказилган сайловнинг аҳамияти ҳақида сўзласангиз.

— Инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида кўппартиялик асосида сайлов демократиянинг энг мақбул йўли эканига амин бўлди. Кўппартиялик асосидаги сайлов халқнинг турли қатламларидан вакил бўлган муносиб номзодларга эркин овоз бериш имконини яратди. Улар мамлакатнинг олий органида халқ фикрини ифода этиши билан давлат тараққийсини таъмин этишди. Зеро, депутатлар тартиб берган, маъқуллаган қонунда халқнинг барча қатламлари манфаати ҳисобга олинган бўлади. Мен қардош Ўзбекистонда илк бор шу аснода сайлов ўтказилишини табриқлайман.

Туркия элчиси сифатида сайлов арафасида ўтказилган анжуманда иштирок этдим. Айни пайтда мамлакат тарихидаги муҳим тадбирга тайёргарликни зўр қизиқиш билан кузатиб бораётман. Мени, айниқса, қувонтираётгани шуки, сайловнинг ўтказилишига мутасадди кишилар унинг кўнгилдагидек ўтиши учун катта куч-ғайрат сарфлапти. Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мамлакатда демократия тантанасини таъминлашда, унинг ривожланишида кўппартиялик асосидаги сайловнинг аҳамияти беқиёсдир.

— Сайловнинг муваффақияти амалга оширишда нималарга аҳамият бериш муҳим деб ўйлайсиз?

Амиркул КАРИМ, (ЎЗА).



Каттақўрғон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номи й-мой комбинати виллоятдаги йирик қорхонлардан бири ҳисобланади. Буюк олим Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги арафасида комбинат тўла таъмирланиб яна махсусот бера бошлади. Ҳозирги кунда бу ерда бир йилда 300 минг тонна чигит қайта ишланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимизда тайёрланадиган кир совуннинг 48 фоизи шу қорхона зиммасига ўғри келади. Яқинда комбинат неҳларида суоқ совун тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди, бу аҳолининг совунга бўлган аҳтиёжини маълум даражада қондиради. Суратда: қорхона бош муҳандиси Тоҳир Қодиров, Тоҳир Норқулов (ЎЗА) олган сурат.

### Президент фармонлари қандай бажарилмоқда? МАЙСАСИ ҲАМ НОН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг «Экинларни пайхон қилишга қарши қурашни қучайтириш тўғрисида»ги Фармони биз галлакорларнинг кўнгилмиздаги гап бўлиб, деҳқонларнинг айни муддаосини ифода этади.

ИЛГАРИ экинзорларга мол қўйиб юбориш, пайхон қилиш катта гуноҳ, мислсиз увол ҳисобланарди. Қайта-қайта мол қўйиш жазо билан хотимланарди. Энди-чи? Йўл четларидаги экинзорларда сурув-сурув қўй-эчки, қорамол юрганга кўзингиз тугида, ҳосилга пугур етказиладиганга юрагингиз ачийди. Ахир, ўша чорва моллари топтаётган ҳосил бир кун келиб, ҳар биримизнинг дастурхонимизни тўкин қилади-ку. Юртимиз фаровонлигига ҳисса бўлиб қўйишнинг наҳотки, англамаймиз, тушуниб ет-

маймиз? Илгари ҳамқишлоқларим «Шаҳарликлар нонни молга беришаркан, наҳотки, уволдидан қўрқишмайди» — дейишарди. Галла майсасини молга топтайтиб, едиришини-чи? Бу увол эмасми? Ахир, дон ана шу мурғак майсалардан вужудга келади-ку! Эндиги навбат ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига. Моли экинга тушган шахсларга нисбатан қаттиқроқ чоралар қўрилиши зарур. Акс ҳолда, бундай беманигарчиликларга барҳам бериб бўлмайди.

Ҳужалигимиз 13 минг гектардан ортиқ майдонда дон етиштиради. Сирасини айтганда, йўл қўйиб берилса, аҳолининг шахсий чорва молларини бир неча кун ичида ана шу майдонлардаги галла майсаларини йўқ қилиб юбориши ҳеч гап эмас. Чунки, кейинги 3-4 йил ичида жамоат чорвасига нисбатан аҳолининг шахсий моли бир неча баравар кўпайди. Аҳолининг моли кўпайгани, албатта, эл-юрт фаровонлиги манбаи. Лекин, бу экинларни пайхон қилиш эвазига бўлмаслиги лозим. Холмуҳин ОЛЛОМУРДОВ, Қамани туманидаги «Галлакор» жамоа ҳужалиги деҳқончилик ширкати раҳбари.

### Истиқлол фидойилари

Ҳоқ ишонинг, ҳоқ ишонманг, ҳоқон Раҳмонқулов ўзи раислик қилган «Тараққиёт» жамоа ҳужалигида... трамвай жорасиқчи эди. Аммо уни қолоқликка юз тутган «3-Боёвут» ширкатлар уюшмасига шу йилнинг бошида раҳбар этиб сайланди-ю, ораси рўбга чиқмай қолди.

РАҲМОНҚУЛОВ ҳақида Боёвутда икки хил гап юрди: биров уни чапани, тилида захари бор деса, яна кимдир тўғри сўз, ҳалол раҳбар, дея таърифлайди. Маҳаллий журналистлардан бири эса у ҳақида очеркин «Ўз урнидаги раҳбар» деб атаганди. Ушанда Султон Раҳмонқулов «Тараққиёт» жамоа ҳужалиги бошқарувининг раиси эди. У бу ҳужаликка муқобиллик асосида, қолоқчиликнинг талаб ва истакларига биноан раис этиб сайланди. Булмаса, аввалги лавозими ҳам чакки эмас — Боёвутдаги йирик пахта тозалаш заводининг директори эди. Султон ака «Тараққиёт»да «ўз урнидаги раҳбар» эканлигини қисқа вақтда кўрсата олди. Ҳужаликнинг даврий мамлакатга ёйилди. «Тараққиёт»да республика газети ва журналлари, ойнаи жаза ва радио мухбирларининг қадими узилмай қолди. Жамоанинг ютуқлари виллоятдагина эмас, бутун Ўзбекистонда эътиборга тушди.

Хўш, «Тараққиёт»да нималар қилинганди ўзи?

Султон аканинг яхши бир гапи бор: «Авалло ниҳат тўғри бўлсин, шундагина иш юришди». Жамоа ҳужалиги Ленин номи билан аталарди. Янги раис яхши ниҳат билан уни «Тараққиёт» деб номлашни тақлиф этди. Бу гап барчага маъқул бўлди. Раис ўзи оруз қилган тараққиётни аввало деҳқонларга ижтимоий-маиший шароит яратишдан бош-

кейинчалик виллоятнинг айрим туманларида оммалаштирилди ҳам. Жумладан, Оқоттин туманида ҳужалик раислари мактабларга бевосита эмас, оталиқ ташкилотларнинг раҳбарлари сифатида «директор»лик қила бошлади. Ва бу янглик яхши самара берди: мактаблар ўтиш даврида доимий моддий таъянак эга бўлишди. «Тараққиёт»да эса ўқитувчиларга жамоа ҳужалиги томонидан қўшимча иш ҳақи белгиланди. Бу гапхўрликдан ўқувчилар ҳам бебаҳра қолишмади. Аълочиликда стилишда ва барча синфларнинг ўқувчи-

лиги ҳисобланади. Хуллас, Раҳмонқулов ушбу ҳужаликка ўтказилди. Аммо шу йил ёзда Султон аканинг ҳалол меҳнат билан топган обрў-эътибори тухмат ва ивго гирдобига рақ бўлишига бир баҳа қолди. «3-Боёвут» ҳужалигида ҳам 7-8 ой ичида одамлар меҳрини қозонган раҳбарнинг довруғи кимларгадир хуш келмади чоғи, тухматнома уюштирилди.

Тухматчилар уни икки марта чет элга бориб-келганликка айблади. Аслида у узоқ юртга саёхатчи сифатида эмас, ҳужаликка қайта ишлаш тизимини яратиш ниҳатида отлан-

мақсадида келтирилган қувурлар билан боғлиқ эди. Қилдан қийқч топувчилар неча йиллардан буён машҳур бўлиб келган ҳужаликдаги юзлаб хонадонлар ҳануз табиий газ билан таъминланмаганини билдишмасми? Ҳаммасидан оғоҳ эдилар. Чунончи, янги раҳбарнинг бир йўла 300 та шахсий уй-жой қурилиши учун пойдевор ва шиферни ҳужалик кучи билан келтириб бераётганидан тортиб бу йил «3-Боёвут»га барак кирганидан ҳам бохабар эдилар. Яхшики, адолат бор экан, қонун ҳимоячилари «Раҳмонқуловнинг иши»дан жиноят аломатларини топши-

ганлигини билдишса-да, билмасликка олишди. Улар қурилиш бошлангич арафасида турган қўшма қорхонада ҳужаликда етиштирилмаган барча қўшма қайта ишланганини ва катта фойда беришини ҳам билдишарди.

Раҳмонқуловнинг Наҳрўз байрамни дабдалаи ўтказганликка ҳам айбланди. «Даблаба» шунда эдики, Султон ака қувуғ айёбда ширкатлар уюшмаси аъзоларининг руҳиятини кўтариш мақсадида турли ўйинлар қўйибларига муносиб совринлар тақлиф қилдирилган. Совринлардан бири шаломчи чўчқан трактор эди. Тухматчилар ана шу тракторни рўқач қилишди. Аммо одамлардаги байрамона кайфият кузгач татиди. Бу «даблаба» бугун қарийб 10 минг тонналик хирмон бўлиб қўзга қуринди. Султон Раҳмонқуловнинг яна бир асосий «айби» ҳужалик қишлоқларини газлаштириш

ҳисси бор. Уюшмадаги ширкатлардан бирининг раиси Тўрабек Жураев пахтачиликдан катта обрў-эътибор топиб, фахрийликка чиққан эди. Янги раис уни яна ўз жойида ишлашга тақлиф этди. Чунки, уюшмада Тўрабек акадек таърибли пахтакорлар камайиб бораётганиди. Раҳмонқулов яна бир неча эски деҳқонларни далага қайтарди. Уларнинг қарқимчанин жойига қўйди. Кези келганда улардан ўрғанди.

Уюшмада ёз ойларида иш вақти бошқа ҳужаликлардагига қараганда айрича бўлди. Барча дала ишлари эрта тондан чошпоғача бажарилиб, қолган вақт уюшма аъзоларининг ўз ишларидага берилди. Хоҳлаган дам олди, хоҳлаган томорқасида меҳнат қилди. Пировордида уюшма даласига ҳам, рўзгорга ҳам кўт-барак кирди.

— Кўп нарсга раҳбарга боғлиқ экан, — дейди кекса пахтакор Тўрабек Жураев, — ҳозирги раҳбар фақат режани бажаришининга уйласса, узоққа бормайди. Чунки, замон талабига кўра қишлоқни ривожлантиришининг энг аниқ йўли қайта ишлаш тизимини яратишдан иборат. Султон Раҳмонқулов ана шу ниҳатнинг бошини тутган раислардан. Раҳмонқулов ҳақида Унлаб кишилардан фақат илқ гаплар эшитдик. У бир йилдаёқ уюшманинг «ўз одами»га айланди. Раисни бу ерда кимдир шундай таърифлади: «Султон ака уюшмининг, Боёвутнинг «Маҳамат чаток»и, «Кани энди шундай одамлар кўп бўлса» — қўшиб қўйди яна кимдир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

**ЎЗБЕКИСТОН** АНДИЖОН Қишлоқ ҳужалик институти ташкил этилганига 30 йил тўлди. 1992 йилгача пахтачилик институти деб аталган бу билим маскани ўттиз йил мобайнида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари халқ ҳужалиги учун 13 мингдан ортиқ малакали мутахассис — агроном, мирос, қишлоқ ҳужалигини механизациялаш бўйича муҳандислар етказиб, берди.

Анджон виллояти ҳокими Қ. Обидов институт жамоасини юбилей билан қизгин табриқлаб, мазкур олий ўқув юрти бундан буён ҳам мустақил юртимиз учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бераверадн, деб ишонч билдирди.

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Малайзиянинг «Рено-берхал» компанияси ўртасида имзоланган битмига мувофиқ Абу Райхон Берурий номидаги Тошкент давлат техника университетида бизнес-бошқарув факультети ташкил этилди. Мазкур факультетта ҳар йили инглиз тилини мукаммал биланган, бошқа олийгоҳларнинг биринчи курсини аъло даражада тугатган 100 нафар Ўзбекистон фуқароси таълов асосида қабул қилинади.

**НЬО-ЙОРК.** Майамида гарбий ярим шарнинг 34 давлати раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. 3 кун давом этган бу учрашулда «Тараққиёт» ва фаровонлик учун ҳамкорлик тамойиллари ҳақида баёнот қабул қилинди. Учрашув давомида савдо, таълим, экология соҳаси ва гўёҳандликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон, мазкур учрашувни Америка халқлари тарихидаги муҳим бурилиш деб баҳолади.

**ҚОҲИРА.** «Саут ал-Араб» радиостанциясининг хабар беришича, Шимоллий Ироқда Курд Мухтор туманининг янги ҳукумати-ни тузиш учун тайёргарлик қилинмоқда. Янги Курд Мухтор туманининг ҳукумати 15 вазирдан иборат бўлади. 5 вазир Курд демократик партияси, яна беш вазир эса Ватанпарварлик иттифоқи партияси вакилларидан сайланди, қолган ўринлар бошқа Курд ташкилотларига берилди.

**ТЕЛЬ-АВИВ.** Фаластин озолиқ ташкилоти раҳбари Есир Арафот Исроил ташқи ишлар вазир Шимо Перес билан Стокгольмдаги учрашув чоғида «Тирчилик таъминлаш тамойиллари ҳақидаги баённома»нинг бундан буён амалга оширилиши ҳусусида Исроил шартларини қабул қилмаслигини билдирди.

**ФОТ** раҳбари исроилликлар зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаётганини таъкиқлади.

ХХР меҳнат вазир ЛН Буюқнинг баёнот беришича, 1995 йилда мамлакатдаги ишчилар сонини меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 3 фоизи даражасида сақлаб қолдилади.

Давлат идораларининг сезиларли қисқариши туфайли жорий йилнинг охирида ишчилар сонини 2,8 фоизга еттиши мумкин. Натижанда 10 миллион ишчи ва хизматчи ўз ишидан маҳрум бўлади. Сунгги маълумотларга кўра, Хитой шаҳарларида ёлланма ишчилар сонини 160 миллион кишига етган. Қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучи эса 150 миллион кишини ташкил этмоқда.

**РЕСПУБЛИКА** киночилар уюшмада ёш режиссёр Раъно Кубеянинг илк асари — «Кенжа қиз» балдий фильми томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилди. Бу ижодкорни санъат мухлислари кино артисти сифатида яхши билди. Аммо режиссёрлик санъаткорининг орузи эди. Ниҳоят орузи ушанди.



Яқинда Қашқадарё виллоятда ҳамма қулайликларга эга «Қашқадарё соҳили» номи янги санатория ишга тушди.

СУРАТДА: санатория ҳамшираси Сановатхон БЕРДИЕВА.

25 декабрь — сайловлар куни

# НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимиздаги 18-Ҳамза сайлов округидан ҳам кўпчилик округларда бўлгани каби учта номзод Олий Мажлисининг депутатлик мандати учун курашмоқда. Улар -- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хуснулла Азизов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган Тоҳир Зокиров ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясидан номзоди Зухра Сайдаминава.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан галдаги учрашувга Донишманд, А. Икромов номидаги ва бошқа маҳаллалардан талай сайловчилар тўпланди.

Учрашув аввалида депутатликка номзодлар «Тошкентқурилиш» давлат акционерлик курилиш корпорацияси раиси Тоҳир Зокиров ва «Зухро ЛТД» фирмаси бош директори Зухра Сайдаминаванинг ишончли вакиллари сўз олди. Улар номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти тўғрисида гапирдилар.

Ишончли вакиллarning чиқишидан сўнг сўз навбати депутатликка номзодларга берилди. Улар сайловчиларга ўз режалари ҳақида сўзлаб бердилар, саволларга жавоб қайтардилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар йиғилганларни сайловда фаол иштирок этишга, элнинг энг муносиб номзодлари учун овоз беришга чақирдилар.

## АНДИЖОН

Жалолқудуқликлар мустақил республикамизнинг илк сайловини гоят кўтаринкилик билан кутиб олмоқдалар. Меҳнат жамоаларида демократик сайлов тизимининг шакл-шамойили, ўзига хос хусусиятлари кенг муҳокама этилаётган. Жалолқудуқ туманининг Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 45-сайлов округида қўлуғ санага тайёргарлик ишлари қизгин борапти. Мавжуд 22 сайлов участкасида ҳамма жиҳозлар ва хоналар сайловга тахт қилиб қўйилди. Айни чоғда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод-туман ҳокими Манзура Эгамова ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бўрибой Фаниев билан Қатортол жамоа хўжалиги ташкилотининг 21-ўрта мактаб биносида сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Номзодлар йиғилган

## ЖИЗЗАХ

Фаллаорол тумани ҳокимлигининг мажлислар хонасида 71-Фаллаорол сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар -- халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод Фаллаорол тумани ҳокими Турдибой Умурзоқов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Маржонбулоқ олтин кони директори Даврон Қурбоновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Сайловолди учрашувида ишончли вакиллар номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, туманда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил гапириб, сайловчиларни 25 декабрь куни бўладиган сайловда ўз номзодлари учун овоз беришга чақирдилар.

Сайловчилар хузурида сўзга чиққан ҳар иккала номзод ҳам ўз режалари ҳақида сўзладди.

## НАВОИЙ

Республика Олий Мажлиси депутатлигига 79-Кониҳек сайлов округидан рўйхатга олинган номзодларнинг Кониҳек туманида сайловчилар билан учрашуви бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби Бахриддин Рўзиев ҳам

лар билан учрашуви бўлди. Халқ депутатлари вилоят кенгашидан кўрсатилган номзод -- Ховос туман Темирязов номидаги ширкатлар уюшмаси фермери Муродкул Турсунбоев ва ХДПдан номзод -- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитаси раиси, ёзувчи Пиримкул Қодировнинг ишончли вакиллари номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида гапириб бердилар. Номзодлар сўзга чиқиб, ўз сайловолди режаларини баён қилдилар. Учрашув самимий руҳда ўтди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

Номзодлар шу куни тумандаги Баландчақир қишлоғи сайловчилари билан ҳам учрашдилар.

Сайхунбод тумани марказидаги «Дилшод» кинотеатрида сайловчиларнинг 133-Сайхун сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар -- Халқ демократик партиясидан вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи Рустамбек Турдиев ва Халқ депутатлари вилоят кенгашидан номзод -- Сайхунбод тумани, «Бирлашган» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ерғаш Тўраев билан учрашуви бўлди. Номзодлар ўз сайловолди дастурлари ҳақида сўзлаб бердилар.

ра Хўжамёров, «Ободон», Усмон Дониёров, «Далварзин», Охунбоев номли жамоа хўжалик фуқаролари билан сайловолди учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувларда номзодлар сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Қибрай туманида республика парламенти ҳамда маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодлар билан қизгин учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Тошкент давлат аграр дорилфуннида сайловчилар 171-Салор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Тошкент вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган «Ўзбекгеофизика» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Тошпўлат Бобожонов, «Ватан тараққиёти» партиясидан номзод -- Республика Молия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Сапарбой Жубаев, ХДПдан кўрсатилган номзод -- «Салор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Ўрмонов билан учрашдилар. Учрашувда маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодлар ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини сайловчиларга баён этдилар.

## ФАРҒОНА

Данғара туманидаги «Найманча» ширкатлар уюшмасининг 7-ширкат клубида 191-Данғара сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига вилоят кенга

жақулов номидаги ва Наврўз жамоа ширкат хўжаликлари сайловчилари 231-Чўлобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар -- Усмон Юсупов тумани Фафур Фулом номидаги жамоа ширкат наслчилик хўжалиги раиси Мамат Жумақулов ва Усмон Юсупов туман ҳокими Хурсанд Тошев билан учрашдилар. Учрашувда Халқ демократик партиясидан номзоди М. Жумақулов ва халқ депутатлари вилоят кенгашидан кўрсатилган номзод Х. Тошев иш режалари тўғрисида сайловчиларга сўзлаб бердилар, уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

## ХОРАЗМ

Янгибозор туманидаги Боголон, Бўзқалъа, Чўболончи, «Амударё» қишлоқлари сайловчиларининг вакиллари тумандаги «Маданият» жамоа хўжалигида 217-«Янгибозор» сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар -- вилоят деҳқончилик-саноати уюшмаси раиси Жумабой Ўдамов, Янгибозор тумани агрохизмат уюшмаси раиси Отаназар Аҳмедов, Тошкент химия-технология институтининг кафедра мудири, профессор Саъдулла Отамуродов билан учрашдилар.

Номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчиларни нобилликка номзодларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти билан таништиришди. Шундан сўнг сўз олган номзодлар бу галги сайловларнинг аҳамияти, сайловолди режа ва дастурлари ҳақида сўзладилар.

Шундай учрашув Урганч шаҳридаги 15 ва 16-мактабларда ҳам бўлиб ўтди. Унда 206-Ал Хоразмий сайлов округи сайловчилари шу ерда Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзоди кўрсатилган вилоят ҳокими М. Жуманиёзов, Урганч пиллакашлик фабрикаси бош муҳандиси Аҳмадjon Худойберганов билан учрашдилар.

Сайловчилар нобилликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва ижтимоий фаолияти билан танишдилар. Сайловолди учрашувида сўзга чиққан номзодлар юксак ишончини оқлагша қарата ишлаб чиқилган режа ва дастурлари хусусида гапирдилар. Йиғилиш иштирокчилари демократик таъминчиларига асосланган бу галги сайловларга муносиб номзодлар учун овоз бериши ҳар бир кишини юксак фуқаролик бурчи эканлигини таъкидладилар.



Норин туманида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан ибратли ишлар қилинмоқда. Туман ҳокимлиги уруш катнашчилари, уларнинг оилалари, меҳнат фахрийлари ҳолдан хабар олишда, уларга гўшакли кўрсатишда ташаббускор бўлаётган. Айни пайтда хўжаликларда уруш катнашчилари, фронт ортда хўжаликлар ривожига катта ҳисса қўшган кишилар ҳақида, уларга яратилган қўлайликлар тўғрисида хўжалик видеофильмлар яратилмоқда.  
СУРАТДА: туман фахрийлар кенгаши раиси Бойдада Утанов, уруш ва меҳнат фахрийлари Бозорбой Йўлдошев ва Ташебой Тожибоев.  
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## Гуёҳандлик-ишлат

### БОШИ БЕРК КўЧАДАГИ КИМСАЛАР

Нафс бандисига айланган кишилар мўмай пул илгичида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдилар, жинноятнинг етти уқлаб тушга кирмайдиган кўчаларига қадам босадилар. Гуёҳандлик ҳам шундай. «Қора оғу» домга илганлар имонни, диёнатни унуттилар. Оғир гуноҳлари билан ботқоққа ботаётганини билишсада, жирикча ишлардан ўзларини тизиб қайтмайдилар. Андижон транспорт милицияси ходимлари яқинда ана шундай кимсалар билан тўқнаш келиб, уларнинг ҳақиқий бахарасини очиб ташладилар...

**БИР ЛАҲЗАЛИК «ҲОМИЛАДОР»ЛАР**  
Уш шаҳрида яшовчи Зухра Дурсунованинг кўнгли «саёҳатни тусди-ю, Петропавловск шаҳрига йўл олди. Гапнинг очиги, у бу ерга азим шаҳарни томоша қилгани, кўнгли ёгани келмади. Эски танишларини «қўсаб» қолганидан дугоналар тезда тил топишди. Куюк зиёфатдан сўнг пиноний режа тўздилар.

«Шаҳринга борасак қуруқ қайтмаймизми, -- сўради Татьяна Рудаманова.  
-- Ранг кўр, ҳол сўр, -- дейдилар зимдан гап бошлади ўшлик аёл. Аввал боринлар, кўни-кўнжларининг пулга тўлмас, отини бошқа қўяман. Меҳобонларнинг оғзидан таъони қолди. Халларда текиндан келадиган бойлик туғди-ю йўнай бошлади. Сафар қилиб, Татьяна йўлга отланаётганда унга қайинсингаиси Земфира Рудаманова эргашди.

«Мени ҳам ола кетинглар, -- илтимос қилди у. -- Ойрингизни снгли қиларман. Зухра Дурсунова юдузуну бенаровни урадиганлардан. Қозонистонлик дугоналар Ушга келгач, вақтини ганимат билди.

«Товар»ни олинларда тезроқ орқага қайтинглар, -- уқтирди у.  
Олисан қалганлар ҳам шунини кутиб туришган чоғи «меҳмондорчилик» ҳам кўнгила-

## ЎЗБЕК ОЛИМИ НЬЮ-ЙОРК АКАДЕМИЯСИ АЪЗОСИ

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридан Ўзбекистон Фанлар академияси Ф. О. Мавлонов номи Сейсмология институтига хушхабар келди. Шу институтнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор Музаффар Ҳалимович Боқиев Нью-Йорк Фанлар академиясига ҳақиқий аъзоси этиб қабул қилинибди. Бу эътибор мустақил ёш республикамиз учун ҳам катта воқеадир.

Нью-Йорк Фанлар академияси 1817 йилда ташкил этилиб, унда 40 дан ортиқ Нобель мукофоти лауреатлари фаолият кўрсатади.

М. Ҳ. Боқиев зилзилалар ўлкаларида тарқалган тоғ жинеларининг физик ҳоссаларини 1967 йилдан бери лаборатория шароитида ўрганиб келмоқда. Асосий мақсад зилзила даракчиларини аниқлашдан иборат. Бу соҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритган олим илмий хулосаларни юзасидан хорижий мамлакатлар (Франция, Олмония, АҚШ, Непал, Хитой давлатларида) маъруза қилган. Музаффар Ҳалимович бу ютуқлар билан чегараланиб қолмай, тадқиқотларни кенг миқёсда давом эттирмоқда, ёш мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор бериб келаётган.

Ҳ. АҚРАМОВ, зилзилашунос олим.



Кизилтепаликлар 25 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда сайловчиларни рўйхатга олиш, уларни сайлов қондалари билан яқиндан таништириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.  
СУРАТДА: тумандаги 9-Арабхона сайлов участкаси фаолиятиндан лавқа.  
Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) тасвир.

да номзоди халқ депутатлари вилоят кенгашидан кўрсатилган Кониҳек туман марказий касалхонаси шифокори Бектош Шоназаровнинг ишончли вакиллари сайловчиларни номзодларнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Номзодлар сайловчиларга ўз дастурларини баён қилишди.

## СИРДАРЁ

Ховос туманининг Сармич қишлоғидаги 15-ўрта мактаб клубида 131-Ховос сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлисига номзодларнинг сайловчи-

## СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё вилоятида ҳам Республика-миз Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашувлар қизгин давом этмоқда.

Яқинда 145-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Республика Маънавият ва Маърифат жамоатчилиги маркази раҳбарининг ўринбосари Эркин Аъзамов ва шўрчилик фермер Аҳмад Кудратовнинг Шўрчи шаҳар маданият саройида туманининг Жў-

## КАШКАДАРЁ

Касби тумани Ҳ. Хў-

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**  
**ГАЗЕТАСИГА ОБУНА**  
**ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Газета ҳар ҳафтада 5 марта чиқади

Қадрли муштарийлар!  
1995 йил учун «Халқ сўзи» газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси - 276 сўм  
олти ойга - 138 сўм  
уч ойга - 69 сўм  
бир ойга - 23 сўм

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

бир йилга - 624 сўм  
олти ойга - 312 сўм  
уч ойга - 156 сўм  
бир ойга - 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР,  
«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА  
БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!



Халқ таълимида ислохот

ШҮРЧИДА БИР МАКТАБ БОР...

Республикамиз мустақилликка эришгач, халқ таълими соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Кўплаб мактабларда ўқувчиларга дарс бериш жараёнида янги-янги методлар қўлланилмоқда. Кувонарли томони шундаки, бу ижодий излашлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Шўрчи туманидаги Тоштемур Чўтбоев номидаги 37-ўрта мактаб жамоаси ҳам ўз ютуқлари билан нафақат Сурхон воҳасида, балки республика миқёсида ҳам «огизга тулган» жамоалардан ҳисобланади. Айниқса, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Йил мактаби-94» республика ўқувчилар миллий ижоди кўрик-танловида фахрли ўринлардан бирини эгаллагач, маъқур илм масканига бўлган эътибор янада ортди.


Ўтган йилги туман ва вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда голиб чиқиб, пойтахтимизда бўлиб ўтган республика ўқув олимпиадасида қатнашган ўшбу мактабнинг 6 нафар ўқувчисидан уч нафари совринли ўринларни эгаллашган бўлишса, қолганлари ҳам яхши натижаларни кўлга киритишган эди.

Мактаб фаолиятига назар ташласак, ўшбу ютуқларнинг тасодифий ҳол эмаслигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Мисол учун, зиё мас-



канида ўтган ўқув йилидан бошлаб табақалаштириб ўқитиш усулига ўтилган. 9-11-синфларда 6 та лицей-синфлар ва фанларни чуқур ўргатадиган, икtidорли ўқувчилардан иборат яна бир қанча махсус гуруҳлар ташкил этилди. Уларда муаллакали ва билимдон муаллимлар ёшларга пухта билим беришарди.

Айни кунларда мактаб қошида техника йўналишидаги 4 та лицей-синфлар мавжуд бўлиб, уларда жамоанинг олий ва биринчи тоифали ўқитувчилари қатори ўзаро шартномага мувофиқ, Термиз давлат университети ҳамда автомобил йўллари институти ўқитувчилари дарс ўтишмоқда. Замонавий услубда барпо этилган бу мактабда ўқув-



чиларнинг чуқур билим олишлари учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилган. Барча фанлар бўйича махсус жиҳозланган синфхоналар ёшлар ихтиёрида. Бешта тангафон кабинетлари, лаборатория машгулотлари ўтказишга мўлжалланган ик-

ки тажриба хонасини ҳам шулар жумласига қўшиш мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, мактаб директори Холмўмин Норматов (яқинда у киши туман халқ таълими бўлими мудириликка тайинланди) кўшни ҳўжалик

ва туманлардан қатнаб лицей-синфларда таълим олаётган 16 нафар ўқувчига ўз уйдан жой берган. Шу сабабли ҳамкасб дўстлари у кишини «мехрибон ота» дея ҳазил қилишарди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларнинг кўрик-танлови якунида махсус кўргазма ҳам уюштирилиб, унда ўқувчи-ёшларнинг ўзлари тайёрлаган турли-туман маиший, ҳўжалик ва деҳқончиликка оид буюмлар намойиш этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Т. Чўтбоев номи мактаб хўнармандлари бу борада ҳам ўзларини кўрсатишиб, ихлосмандлар олқушига сазовор бўлишди. Мактаб ўқувчилари амалий машгулотлар пайтида ясаган бешик, болалар арава-

чалари, пахтани чигитдан ажратадиган ускуна-халажи, гуручни майдалашга мўлжалланган обжўвоз, исирик тутатишда ишлатиладиган трубка, урчуқ, ўқлог, хамир ёядиган жувак, гилам тўқишда қўлланиладиган ёғоч тароклар, ҳар хил миллий гиламлар, кигиз, кўғирчоқлар, болалар кийимлари ва бошқа буюмлар кўргазма залидан ўрин олган эди.

Бу махсулотлар мактаб қошида ташкил этилган «Маърифат» кичик корхонаси орқали аҳолига сотилади. Ёш усталар тайёрлаган ашёлар сифатли ва арзон бўлганлиги тўғрисида одамлар уларни севиб харид қилишмоқда.

Ўтган ўқув йилида мактабнинг 0,6 гектарлик томорқасида етиштирилган сабзи, пивёз, картошканинг эҳтиёждан ортқисини сотилиб, анча фойда келтирди. Ҳозир илм маскани мўмайгина сармоёга эга. Бу маблағ аълочи ўқувчиларга стипендиялар тариқасида, муаллимларни рағбатлантириш ва бошқа турли маданий-маиший тадбирларга сарфланмоқда.

**Фофур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» муҳбири.**  
**Суратларда:** туман халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Норматов (чапдан биринчи) Т. Чўтбоев номидаги мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари билан кўргазма намойишига қўйилган буюмларни кўздан кечирмоқда; ўқувчи-хўнармандлар ижодидан намуналар.  
**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.**

**ДИҚҚАТ: КИМОШДИ САВДОСИ!**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Республика қўчмас мулк биржаси автомобилларга ёнилиги қўйиш шўхобчаларини сотиш юзасидан кимошди савдосини ўтказди.  
27 декабрда Тошкент шаҳридаги учта шўхобча -- 59-А3С, 73-А3С, 81-А3С кимошди савдосига қўйилди.  
29 декабрда қурилиши тугалланмаган 4 та ёнилиги қўйиш шўхобчаси бўйича кимошди савдоси ўтказилди.  
Буюртмалар қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Маяковский кўчаси, 6-уй. Республика қўчмас мулк биржаси.  
Маълумот учун телефонлар: 67-32-71, 67-24-63, 39-45-46.



**СОТИБ ОЛИНГ, ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Республика қўчмас мулк биржаси 1994 йил 16-17 декабрда Тошкент шаҳрида ГАЗ-52, ГАЗ-53, ЗИЛ-157, ЕрАЗ-762, КА3-608 юк автомобилларини сотиш юзасидан биринчи марта очиқ кимошди савдосини ўтказди.  
Бошланғич нархлар -- 15,000 сўмдан 45,000 сўмгача.  
Кимошди савдоси «Тошшаҳарюктранс» концерни 3-автомобинатида ўтказилди.  
МАНЗИЛИ: Сирғали тумани, С. Олимов кўчаси, 22-уй.  
Кимошди савдоси иштирокчилари соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.  
Кимошди савдоси соат 11 да бошланади.  
Ахборот учун Республика қўчмас мулк биржасига мурожаат қилинг:  
МАНЗИЛИ: Тошкент ш., Маяковский кўчаси, 6-уй.  
ТЕЛ: 67-22-14, 68-24-44, 68-17-55,  
Юк автомобили эгаси бўлиш имконини қўлдан бой берманг!

Газетамизнинг навбатдаги сони 16 декабрь жума куни чиқади.


# "СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиш имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



"СОВГА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма Банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб оlishингиз мумкин. Билет баҳоси - 10 сўм.



Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Навруз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг! Сизга омад тилаймиз!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг олангиз учун совғадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбахор ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки

"Ўзбексавдо" "Ўзбекбирлашув"

«Тадбиркор» акционер-тижорат банки жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уриновлари, молия вазир Б. С. Хамдамовга воқоиди муқаррамлири

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси уайъати ва геология, геодезия ва хари-ташли ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси ра-сати — қўмита ҳайъати аъзоси, Республикада хизмат қў-салган саноят ҳодими, нефт ва газ бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳба-рияти ва шахсий таркиби Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи уринбосари, милиция полковниги

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раисати, Фи-зика-математика фанлари бўлими, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳодимлари қасаба уюшмасининг республика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси раисати аъзоси, Физика-математика фанлари бўлими раисоти, академик М. С. Сало-ҳиддиновга угли

«Ўзбекивест» Миллий сугурта компанияси жамоаси кредит тавак-қилинчиларни сугурталаш бўлими-нинг бошлиғи Абдуфур Собировга онаси

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекнефтегаз» Миллий корпора-циясининг меҳнат жамоаси Давлат ге-ология қўмитаси нефт ва газ бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган саноят ҳодими

Тошкент педиа-га тиб-биёт институти рек-тати ва жамоаси қасаба уюшмаси раис-оти Собир Орифжоновга онаси



ХАЛҚ СЎЗИ  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖўРАБОВ.

• БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;  
Иқтисодийёт 32-36-65;  
Маълумот 32-35-60;  
Ахборот 32-29-89;  
Тўси муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Жўмасев.  
Навбатчи — Б. Остонакулов.